

“Сифатни бошқариш сертификатлашган тизими давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш” ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

1. **Хизмат (паспорти) тавсифи**

1.1. **Хизмат номланиши**

Сифатни бошқариш сертификатлашган тизими давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш

1.2. **Хизмат натижаси**

Хизмат натижаси бўлиб Давлат реестрига киритилган ҳамда халқоро талаблар ва стандартлар асосида Республика корхоналарида сертификатланган сифат менежменти тизимлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ҳисобланади

1.3. **Хизмат кўрсатиш идоралари ва бланк олиш жойлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – “Ўзстандарт” Агентлиги

1.4. **Ҳуқуқий асослар**

- *Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори;*
- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги 349-сонли “Корхоналарда халқоро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори*
- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июньдаги 173-сонли “Республика корхоналарида халқоро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори*
- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрьдаги 298-сонли “2020 йилгача бўлган даврда сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги*
- *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида 16 январда 2754-сон билан рўйхатга олинган Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом*

1.5. **Хизматни олувчилар**

Юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. **Ижро муддатлари:**

Бир зумда.

2. Хизмат олувчиларга маълумот етказиш

2.1. Умумий маълумотларнинг таркиби ва ҳажми

Фойдаланувчилар “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали хизмат тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари мумкин

2.2. Кенг маълумот бериш

“Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали хизмат тўғрисида кенг маълумот берилади.

2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун сўров бўйича маълумот бериш кўзда тутилган

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот бериш

Хизмат “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали кўрсатилади.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланкалари (шакллари)

Ушбу хизмат учун ҳужжат бланкалари (шакллари)дан фойдаланиш кўзда тутилмаган

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Хизмат 24 саот мобайнида кўрсатилади

3.2. Кутишга талаблар

Ушбу хизмат учун кутиш ёки кутиш учун талаблар кўзда тутилмаган

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Керакли ҳужжатлар

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун ҳужжатлар талаб этилмайди

4.2. Хизмат тўлови

Бепул

4.3. Давлат хизматининг бажарилиш босқичлари

4.3.1.

- Интернет тармоғига уланиш;
- “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайти www.standart.uz га ташриф буюриш, “Хизматлар” бўлимига сўнгга “Давлат хизматлари” бўлимига кириш;
- Керакли хизматни танлаш.

4.4. Давлат хизматининг идоравий ички тартиби

Маъсул ҳодим ўрнатилган тартибда ҳар ойнинг 5 санасига қадар сайтда янгилаб боради

4.5. Рад этишга асос

Ушбу хизмат кўрсатилишига рад этишга асос кўзда тутилмаган

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифатсиз кўрсатилган хизмат устидан шикоят

Фойдаланувчи сифатсиз кўрсатилган хизмат юзасидан ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” Агентлиги uzst@standart.uz электрон почта манзили орқали ёки ёзма равишда 00049, Тошкент ш., Форобий кўчаси, 333 «А» манзилига мурожаат қилишлари мумкин.